



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (13.520)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 13 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ – ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 10 сентябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди. Уларда давлатимиз раҳбарининг нутқида билдирилган асосий фикрларга алоҳида эътибор қаратилган кўплаб материаллар чоп этилгани ҳам бундан далолат беради.

Хусусан, Би-Би-Си Ўзбек хизмати (bbc.com/uzbek) Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ислом оламининг муаммолари масалалари, аввало, илм-фан ва технологиялар борасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини таъкидлаганини қайд этган.

Интернет нашр Президентимизнинг Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш бўйича ташаббусига алоҳида эътибор қаратган.

Шунингдек, Би-Би-Си Шавкат Мирзиёевнинг мусулмон оламида фан ва технологиялар тараққиёти даражасига берган баҳосига, ИХТга аъзо давлатлар катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этганига, фан ва технологияларни ривожлантиришга қўшилган ҳисса учун Ислом ҳамкорлик ташкилотининг халқаро мукофотини таъсис этиш ва уни кенг оммалаштириш ташаббусига ўқувчилар диққатини қаратган.

“Озодлик” радиоси (ozodlik.org) Ўзбекистон Президенти мусулмон мамлакатлари олимларининг фан ва технологияларни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини муносиб тақдирлаш мақсадида ИХТ мукофотини таъсис этишни тақдир қилгани, бу, айниқса, ёш олимларга илмий-технологик йўналишлардаги изланишларини янада фаоллаштиришга рағбат бўлишини қайд этган.

Uaport.net интернет нашри ўз мақоласида бундай ёзади: “Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом олами жаҳон илм-фани ва цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси билан фахрланишга тўла ҳақли экани, Марказий Осиё ҳудуди эса Шарқ Ренессансининг йирик маркази сифатида маълум ва машҳур бўлганини таъкидлади. Алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, комусий олим Ал-Фарғоний, кўплаб фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Синонинг бой илмий ва маънавий меросининг беқиёс аҳамияти тобора ортмоқда”.

“Биз Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий кўмитаси фаолиятини юксак баҳолаймиз ва унинг ишида янада фаол иштирок этишни режалаштирганимиз. Ташкилотимизнинг мазкур йўналишида ўн йиллик ҳаракатлар дастури натижалари белгиланган мақсадларга эришилганидан далолат беради, дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти”, деб ёзади интернет нашри.

vb.kg интернет портали Шавкат Мирзиёевнинг ИХТга аъзо давлатлар олий таълим муассасаларининг халқаро даражаси пастлиги борасидаги сўзларига эътибор қаратган: “Аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингиндан ўрин олган, ҳолос. Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган”.

Sputniknews-uz.com давлатимиз раҳбарининг ИХТга аъзо айрим давлатлар ўз молиявий салоҳиятидан фан ва технологияларни ривожлантиришда фойдаланмаётгани тўғрисидаги сўзларини келтиради: “Ақсарият мусулмон мамлакатлари бой табиий заҳираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим”.

“Ўзбекистон раҳбари мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда глобал иқлим ўзгариши масаласига кўпроқ эътибор қаратиш, юқори самарали компьютер марказларини яратиш, ёш олимлар ва ёшлар билан комплекс ишлаш орқали ушбу вазиятдан чиқиш мумкинлигини таъкидлади”, деб қайд этади манба.

Kazpravda.kz нашри ИХТ Доимий кўмитасининг аъзо давлатлар ҳудудида олтига Юқори самарали компьютер марказини ташкил этиш тўғрисидаги тавсиясига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон шундай марказлардан бирини ўз ҳудудида жойлаштиришга тайёр эканини билдиргани ҳамда Мусулмон олами ёш олимлари халқаро марказини тузишни тақдир қилишга алоҳида эътибор қаратган.

Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги ИХТ Фан ва технологиялар саммитини Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги тақдир қилиш ҳам хорижий оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборини тортди.

Мазкур масала ҳақида тўхталар экан, Kant.kg давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини келтиради: “Аъзо давлатларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши, аҳолининг муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича саммитни ҳар уч йилда бир марта ўтказишни ва ушбу тақдир қўллаб-қувватланган тақдирда, кейинги саммитни 2020 йилда Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканимизни билдирмоқчиман”.

(Давоми 2-бетда)



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДАГИ ИННОВАЦИОН ЯНГИЛИКЛАР

Жорий йил 13-15 сентябрь кунлари “Ўзэкспомарказ”да тўқимачилик саноатига иқтисослашган халқаро кўргазмалар бўлиб ўтади.

“Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – “CAITME 2017” ҳамда “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017” халқаро кўргазмалари текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги сўнгги ютуқлар намойиш этиладиган, тармоқда фаолият юритаётган фирма ва компаниялар вакиллари, соҳа мутахассислари, модельерлар фикр ва тажриба алмашадиган майдонга айланади. Бу ҳақда пойтахтимиздаги Hyatt Regency меҳмонхонасида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити самарасида тўқимачилик саноати изчил ривожланиб, соҳада истиқболли инвестиция лойиҳаларининг салмоғи сезиларли даражада ортмоқда.

Натижада энгил саноат тармоқларининг миллий иқтисодиётдаги улуғи йил сайин юксалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти, “Осиё рамзи” Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси кўмағида “ITE-Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси ва “ITE” компаниялари гуруҳи (Буюк Британия) томонидан ўтказилаётган “Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME 2017” ва “Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017” халқаро кўргазмалари мамлакатимиз энгил саноати салоҳиятини кенгайтириш, дунёдаги етакчи компания ва фирмалар билан ҳамкорликни

ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилги кўргазмаларда Ўзбекистон, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Италия, Испания, Австрия, Беларусь каби 20 дан ортиқ мамлакатдан 350 дан зиёд компания ва фирма ўз маҳсулотларини намойиш этади.

Бу йилги кўргазмаларнинг янгилиги – қатор хорижий компанияларнинг бўяш, пардозлаш, лаборатория ва бошқа ускуналари, матога ёрлик босиш технологиялари, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлари тақдим этилади.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга кўргазма ташкилотчиларидан жавоб олди.

У.ШОНАЗАРОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар дастлаб соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши устидан парламент ва депутатлар назоратини олиб бориш бўйича фракция олдида турган муҳим йўналишларни муҳокама қилди.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш, аҳолига сифатли бirlамчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Депутатлар томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган қатор қарор ва фармонларнинг ижроси таҳлил этилди.

Ушбу ҳужжатлар мамлакатимизда, айниқса, вилоят ва туманлар даражасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан оширишга, аҳолининг кенг қатламларини юқори технологик тиббий ёрдамдан баҳраманд қилишга, юқори технологияли иқтисослаштирилган тиббий ёрдам

соҳасидаги илм-фан ютуқлари ва илғор хорижий тажрибани амалиётга фаол жорий этишга қаратилган бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларда муҳим ўрин эгаллади.

Оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар, реагентлар, сарфлов материаллари ва транспорт воситалари билан таъминланиш даражасини яхшилаш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, ижтимоий дорихона, тиббий ходимлар учун уй-жой ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ва унинг асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси”дан келиб чиқадиган партия ва унинг фракцияси аъзолари олдида турган муҳим вазифалар ҳам кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛАРИ ХАЛҚАРО ОЗИҚ-ОВҚАТ КЎРGAЗMАСИДА

Москва шаҳрида бўлиб ўтаётган “World Food Moscow – 2017” халқаро озиқ-овқат кўргазмасида ўзбекистонлик тадбиркорлар ҳам ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозорга чиқишига қўмаклашиш, тадбиркор ва ишбилармонларнинг йирик халқаро ярмаркаларда иштирок этиши, харидорлар топиши ва шартномалар тузишини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмағи билан тадбиркорларимиз турли халқаро кўргазмаларда мунтазам қатнашиб, фойдали келишувлар тузишга эришмоқда.

“World Food Moscow – 2017” жаҳондаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи етакчи компаниялар иштирок этадиган, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича музокаралар ўтказадиган нуфузли форумдир. Бу йил мазкур кўргазмада 60 га яқин мамлакатдан 2 мингдан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

Кўргазмадаги Ўзбекистон миллий экспозицияси ўзига хос дизайни ва кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бойлиги билан қатнашчиларда қизиқиш

уйғотмоқда. Унга ташриф буюрганлар мамлакатимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасидаги салоҳияти ва имкониятлари, соҳада тақдир қилинган хизматлар билан танишмоқда.

Ушбу халқаро кўргазма мамлакатимиз тадбиркорлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлари халқаро бозорга тақдир қилиш, чет эллик ишбилармонлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, мавжуд алоқаларни янада кенгайтиришда қўлай имкониятлар яратди.

М.ЭЛМУРDOV,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусдаги И.Савицкий номидаги давлат санъат музейида Қорақалпоғистон халқ рассоми Бозорбой Сарекеев ижодига бағишланган “Ватанни қуйлаб” номида кўргазма очилди.

● Фарғона вилоятининг Фарғона туманида “Шифобахш Чимён” санаторийси фойдаланишга топширилди. Қишлоқдаги бўш турган бино ноль қийматда тадбиркор Абдужалил Мамадиевга берилиб, бу ерга уч миллиард сўмга яқин инвестиция йўналтирилди. Замонавий тарзда қурилган сихатгоҳда 55 янги иш ўрни яратилди. Асаб тизими, ҳаракат-таянч, ошқозон-ичак касалликларини даволашга ихтисослашган 74 ўринли сихатгоҳда шифобахш сув билан даволанилади. Ётоқхона, дам олиш, муолажа хоналарида даволанувчилар учун барча шароит мавжуд.

● Бухоро вилоятида “Тоза ҳаво” ойлиги тадбирлари доирасида кенг қўламли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Ойлик тадбирлари доирасида автокорхоналар жамоаси ва шахсий автомашиналар ҳайдовчиларига машиналарнинг экосозлиги атмосфера ҳавосининг тозаллигини таъминлаш, саломатлигимизни асрашда нечоғли аҳамиятга эга экани тушунтирилди.

● Жиззахда “Маърифат тарғиботчилари” жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Жиззах вилоятидаги таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган жамоатчи тарғиботчилар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини юксалтириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Флорида штатига хуруж қилган “Ирма” тўфони ўзидан кейин сув тошқинлари, вайронагарчиликлар ва қурбонлар қолдирди. Тўфон офатларидан сақланиш учун олти миллион аҳоли хавфсиз жойларга қўчирилди, шунча микдордаги киши электр қувватидан узилиб қолди. Табиий офат натижасида жами 30 миллион киши жабрланди. Тўфон АҚШ иқтисодиётига 300 миллиард, суғурта компанияларига эса 150 миллиард долларлик зарар етказди, молиявий бозорларда саросимага олиб келди. Штатдаги вайронагарчиликларни тиклаш учун бир неча ҳафта вақт кетиши таъкидланмоқда.

● Мексикада рўй берган кучли zilзила қурбонларини сони 90 кишига етди. Хабар қилинишича, ҳалок бўлганларнинг 71 нафари Оахака, 15 нафари Чьяпас ва 4 нафари Табаско штатидандир. Электр энергетика ҳудудида федерал комиссия мамлакат ҳудудида электр қуввати етказиб беришни 99 фоизга ва Оахака штатида 90 фоизга тиклаган.

● Швейцарияда иккита поездининг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 30 га яқин киши жабрланди.

● АҚШ, Канада ҳамда Мексика бирлашган ташкилий кўмитаси 48 та терма жамоа уштирок этадиган футбол бўйича 2026 йилги жаҳон чемпионатини ўзида қабул қиладиган шаҳарларнинг кенгайтирилган рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, ушбу рўйхатдан АҚШнинг 32 та, Канаданин 6 та ва Мексиканин 3 та шаҳри ўрин олган. 2018 йилнинг март ойида ФИФА мусобақани ўтказиш учун ушбу шаҳарлар орасидан 12 дан кам бўлмаган шаҳарни танлаб олади.

ҚОНУН ЛОЙИХАСИГА ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси экспертлар кенгашининг видеоселектор шаклидаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар, мутасадди ташкилот ва идоралар вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирок этган тадбирда янги тахрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар мазкур янги қонун тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, бизнесни ташкил этиш ва юритишда ҳар томонлама қўмақ бериш, сифатли давлат хизматларини кўрсатиш, бизнес муҳитини яхшилаш масалалари бўйича тадбиркорлар билан ахборот алмашинувининг самарали усулини йўлга қўйиш имконини беришини алоҳида таъкидлади.

Мазкур қонун лойиҳаси икки ой давомида уч маротаба мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳуқуқий масалалар бўйича ташкил этил-

ган экспертлар кенгашида муҳокама этилиб, улар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган. Қонун лойиҳаси таклиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда тубдан ўзгартирилиб, 38 моддадан иборат бўлди, яъни 18 янги модда қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорида кўзда тутилган муҳим вазифалар янги тахрирдаги қонуннинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Президентимиз фармонига мувофиқ, палатанинг асосий вазифа ва функциялари тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишбилармонлик

ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига қўмаклашиш, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик, тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш, ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилишдан иборат.

Фармондаги бир неча талаб қонунда алоҳида моддалар билан белгилаб қўйилган. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти ривожланишига тўққинлик қилувчи ёки чекловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш зарурияти тўғрисида тақдим этилган тавсиялар ва мажбурий жавобни талаб қиладиган ёзма мурожаатлар қонунда белгиланган муддатда мажбурий равишда қўриб чиқилиши ва Савдо-саноат палатасига уларни қўриб чиқиш натижалари ҳақида асосланган ҳулосалар тақдим этилиши лозим. Шу билан бирга, Савдо-саноат палатаси вакиллари мажбурий тартибда давлат органлари, жумладан, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳузурида ташкил этиладиган жамоатчилик маслаҳат кенгашларининг таркибига киритилади.

Мазкур қонун лойиҳасида давлат ва бизнес-жамият ўртасида самарали мулоқот ва ҳамкорлик, тадбиркорлик субъектларига қўмақ кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари акс эттирилган.

Йиғилишда қонунни янада такомиллаштириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Нурилло НАСРИЕВ

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг йиғилишида Президентимизнинг жорий йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти муҳокама этилди.

Жумладан, мазкур ҳужжатда белгиланган иқтисодий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга қаратилган иқтисодий ва давлат-хусусий шериклигининг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштиришга доир вазифалар партия Харакатлар дастуридан ўрин эгаллагани таъкидланди. Фракция иш режасида белгиланган "Давлат – хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тезроқ ишлаб чиқиш ҳамда муҳокамага киритиш зарурлиги қайд этилди.

Концепцияда белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ҳамда соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантиришга доир вазифалар "Илмий ва инновацион фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини маромига етказиш ва уни қабул қилишни жадаллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти ҳамда фракция олдига турган долзарб вазифаларни қўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мазкур фармон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам бўлди. Хусусан, унда давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилишнинг 6 асосий йўналиши белгилаб берилган соҳа тараққиётига хизмат қилади. Маъмурий ислохотларнинг тизимли амалга оширилиши иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратишга асос бўлади.

Шунингдек, "Электрон ҳуқуқ" тизимини

такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самардорлиги ортади. Мамлакатимизда маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу тамойилни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Депутатлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши устидан парламент ва депутат назорати олиб борилиши бўйича фракциянинг асосий йўналишларини муҳокама қилди. Жумладан, хусусий тиббиёт муассасаларида ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий технологик усуллари кенг қўллаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда узок муддатли лицензия хизматлари, кредит ажратиш ва молиявий ёрдам кўрсатишга оид ишларнинг талаб даражасида эмаслиги, мавжуд муаммоларни тизимли бартараф этиш борасида самарали парламент ва депутатлик назорати олиб боришни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилишида давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ва унинг асосида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси"дан келиб чиқадиган партия ва унинг фракцияси аъзолари олдига турган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасидаги амалиётни янги босқичга олиб чиқиш, ушбу жараёнларга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш аҳолининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур фармонда белгиланган вазифалар моҳиятига кўра давлат ва жамият қурилишидаги янги саҳифани очиб берди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ЎзМТДП фракцияси аъзоси Назир Собиров. – Концепцияда назарда тутилган чора-тадбирлар маҳаллий саноат ишлаб чиқариш самардорлигини янада ошириш, мамлакатимиз худудлари, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ри-

вожлантириш, идоралараро ва идора мажмуаларининг ахборот тизимларини бирлаштирувчи миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш каби ишларни янги босқичга кўтарилади.

Депутатлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши устидан парламент ва депутатлар назоратини олиб бориш бўйича фракциянинг асосий йўналишлари тўғрисида ҳам фикр алмашди. Бу борада олиб борилаётган тизимли ишлар таҳлил этилди.

Йиғилишда қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан ЎзМТДП фракциясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ЎЗА



ҲУНАРМАНДЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўчтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида "Ҳунарманд" уюшмаси ташаббуси билан "Миллий ҳунармандчиликни ёшлар ўртасида тарғиб қилишда "устоз-шогирд" мактабларининг ўрни" мавзусида тадбир ташкил этилди.

Республика "Ҳунарманд" Мулоқотда Ёшлар итти-ушмаси томонидан мамла-катимизда ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, ёш ҳунармандларга эркин фао-лият юритиши учун шароит яратиш, уларни ҳар томон-лама қўллаб-қувватлаш, мил-лий ҳунармандчилик махсу-лотлари ишлаб чиқариш са-лоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, яратилган бадиий ижод намуналарини нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам намойиш этиш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Мулоқотда Ёшлар итти-фокнинг етакчилари, Ўзбе-кистон халқ усталари, "Ус-тоз-шогирд" мактабларида тахсил олиб, ҳунар ўрганган ёш ҳунармандлар, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иш-тирок этди.

Коллеж ўқувчилари ва ёш ҳунармандларнинг ижодий ишлари кўргазмаси, маҳо-рат сабоқлари ўтказилди. Кўргазмада ёғоч ўймакорли-ги, миниматизм, зардўзлик, заргарлик, миллий либос-лар, кулолчилик каби йигир-мадан ортик йўналишларда-ги амалий санъат махсулот-лари намойиш этилди.

Мамлакатимизда фао-лият юритаётган ҳунарманд-ларнинг 20 мингга яқини уюшмамиз аъзоси ҳисобла-нади, – дейди "Ҳунарманд" уюшмаси раҳбари Ақобир Ҳасимов. – Ўтган йиллар давомида уюшмамиз та-шаббуси билан 5 мингга яқин ҳунарманд ўз устахо-наларида "устоз-шогирд" мактабларини ташкил этди. Натيجида 12 мингга яқин ёш ҳунар сирларини ўрганди.

Тадбирда ёшларни қизиқ-тирган саволларга мутахас-сислар жавоб берди.

Гулноза БОБОЕВА

СУДЬЯЛАРНИ ТАНЛАШНИНГ АДОЛАТЛИ ТИЗИМИ

Пойтахтимизда "Судьяларни танлаш, тайинлаш бўйича қиёсий ёндашувлар ва судьялар фаолиятини баҳолаш" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Европа Иттифокнинг Ўзбекистонда-ги делегацияси, Халқаро юристлар комиссия-си ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда се-накторлар, депутатлар, судьялар, Ўзбекистон судьялар ассоциацияси ҳамда Германия, Австрия, Ирландия, Сербия, Козогистон, Қирғизис-тон каби давлатлардан экспертлар, шунинг-дек, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилла-ри иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси М.Усмонов ва бошқалар мам-лакатимизда суд ишларида адолатли қарор-лар қабул қилишга қодир бўлган, мустақил, турли хил таъсирларга қарши тула оладиган оқсак малакали судьялар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2017 йил 7 апрелдан кучга кирган "Ўзбекис-тон Республикасининг Конституциясига ўзгар-тишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун билан Судьялар олий кенгаши конституция-вий орган мақоми берилди. Ушбу тизимла фао-лияти билан боғлиқ масалалар "Ўзбекистон Рес-публикаси Судьялар олий кенгаши тўғриси-да"ги қонунда ўз ифодасини топган.

Бу ҳуқуқий асослар кенгашига юклатилган ва-зифаларини мустақил ва самарали амалга оши-ришнинг муҳим қафолати бўлди.

Қонунчиликка кўра, кенгаш фаолиятига ара-лашмишга йўл қўйилмайди. Кенгаш аъзолари қарорлар қабул қилишда сиёсий қарашлардан

ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ўз нуктаи назарини ифода қилади.

– Ҳақиқат адолатли қарор топтиришда судьялар муҳим роль ўйнайди ва шу боисдан ҳар қандай жамиятда улар муҳим ўрин тутаяди, – дейди ЎЗА муҳаббига Халқаро юристлар ко-миссиясининг Европадаги дастурлари бўйича директори Раулин Пиллей. – Муносиб кадрлар бу жараёнга жалб этилиши ва ўз навбатида улар ҳимояланган бўлиши ҳам даркор. Шу жи-ҳатдан Ўзбекистонда суд тизимининг, судьялар-ни танлаш ва тайинлашнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ишлар амалга оширил-гани эътиборга лойик.

Мамлакатимизда Судьялар олий кенгаши иш бошлаши билан судьяларни танлаш, уларни тай-ёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳозирги за-мон талаблари ва халқаро стандартларга тўла мос келадиган ягона тизими яратилди. Бу ислохот-лар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли суд ҳимоясини, суд ҳокимиятининг чи-накам мустақиллигини таъминлашга, судлар фаолияти самардорлиги ва нуфузини, одил судловга эришиш даражасини оширишга хиз-мат қилади.

Халқаро семинарда экспертлар, судьяларни танлаш ва тайинлаш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи органлар ва институтлар ва-киллари судьялар иш фаолиятини баҳолаш стан-дартлари юзасидан ўзаро фикр-мулоҳаза ва таж-риба алмашди.

Нургул АБДУРАИМОВА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ – ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу ташаббус sa-news.org веб-сайти материа-лида ҳам ўз аксини топган: "Остона саммитида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ИХТнинг Фан ва технологиялар бўйича саммитига мезбонлик қилишга тайёрглигини бил-дирди".

Интернет наشري Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташаббуси Ташкилотга аъзо давлатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланганини қайд этади ҳамда ИХТ Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити Остона декларацияси бандларидан бирини кел-тиради: "Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мам-лакатлар Ўзбекистон Президентининг ИХТ Фан ва технологиялар бўйича иккинчи саммитини Ўзбекис-тонда ўтказиш тўғрисидаги таклифини мамнуният билан қабул қиладилар".

"Биз ИХТ Бош қотибяти ва КОМСТЕК (ИХТнинг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси)ни Ўзбекистон ҳукумати билан Ўзбекистонда ИХТ Фан ва технологиялар бўйича иккинчи саммитини қақаришга керакли тайёргар-лик ишларини бошлашга ваколат берамиз", дейи-лади декларацияда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган ИХТ саммитидаги нутқи оммавий ижтимоий тармоқлар-да кенг тарқалди, интернет тармоғи фойдаланув-чилари томонидан ижобий баҳоланди ва фаол қўллаб-қувватланди. Нутқ бўйича қўллаб-қувватлаш билдирилгани ва ундаги фикрлар турли нашрлар-да қайта чоп этилгани ҳам шундан далолат бера-ди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томо-нидан ИХТ саммитида Ташкилотнинг фан ва тех-нологияларни ривожлантириш соҳасидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга доир билдирил-ган ташаббуслар интернет ҳамжамияти томонидан оқсак баҳоланди ва кенг қўллаб-қувватланди, бу-гун ҳам интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқ-лар диққат марказида бўлиб турибди.

Қарор ва ижро

Янги ҳайдовчилик СЕРТИФИКАТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳайдовчилик маданияти ва автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг билим даражасини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ахборот-коммуникация ва таълим технологияла-ридан фойдаланиш асосида автотранспорт воси-талари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёр-лаш тизимида қўлланилаётган инновация услуб-лари ўқитиш жараёнини сифат жиҳатдан янги бос-қичга кўтарди. Бу эса малака имтиҳонларини топ-шириш самардорлигини ошириш ҳамда ҳайдов-чиларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласида ҳуқуқий маданиятини таъминлаш имконини бер-моқда.

Аммо аксарият ҳолларда юридик шахсларга те-гишли транспорт воситаларини бошқараётган ҳай-довчилар йўл-транспорт ҳодисалари иштирокчи-ларига айланиб қолмоқда. Бу эса ҳайдовчилар ма-лакасини мунтазам оширишни назарда тутадиган қонун талаблари етарли даражада бажарилмаёт-ганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг жорий йил 4 сентябрдаги "Инновацион ўқитиш услубларини жорий этиш йўли билан ҳайдовчи-ларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада та-комиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳайдовчи-лар малакасини мунтазам ошириш, бу орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амал-га оширилаётган ишларни янги босқичга кўтара-ди.

Қарорда йўл ҳаракати хавфсизлиги, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чораларини кучай-тириш, шунингдек, ўқув жараёнига инновация ус-лубларини жорий этиш йўли билан юридик шахс-ларга тегишли автотранспорт воситаларини бош-қараётган ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш тартибини такомиллаштириш вазифалари белги-ланган.

Маълумки, "Avtotest Report" масъулияти чеклан-ган жамиятида автотранспорт воситалари ҳайдов-чиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқитишнинг уйғунлашган услублари қўлланилади. Шунингдек, ўқув жараёнига ўқувчиларнинг ўқув да-ражасини оширишга қаратилган, ўқитиш монито-рингини олиб бориш ва уни режалаштириш имко-нини берадиган автоматлаштирилган комплекс ах-борот тизими жорий этилган.

Қарорга асосан 2018 йилнинг 1 январидан бош-лаб юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар икки йил-да бир марта малака оширишга мажбурлиги бел-гиланди. Шунингдек, ҳайдовчиларга малака ошир-гани тўғрисида "Avtotest Report" МЧЖ ўқув ком-плексининг сертификати топирилиши назарда ту-тилган. Қарордан келиб чиқиб, 2018 йил 1 июлдан бошлаб юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини сертификатсиз бошқарган ҳайдов-чиларга нисбатан маъмурий жавобгарлик жорий этилади.

ЎЗА

Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Келин ҳам бировнинг жондек боласи" мавзуда маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳримиз туманларидан муаммолари қайноналар, ибратли қайнона ва келинлар, ёши улуг онахонлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг диний-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Д.Мирзажоновна, "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Р.Калонов ва бошқалар оилаларда маънавий муҳитни белгилловчи хотин-қизлар ва айниқса қайноналар билан ишлашнинг янги механизмларини ҳаётга тadbик этиш, ёшларимизда оилага нисбатан миллий қадрият, муқаддас даргоҳ сифатида қараш кўникмасини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, қайнона-келин орасидаги муносабат ва ўзаро аҳилликни тарғиб қилиш, барчага ибрат бўла оладиган қайноналарни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш бугунги куннинг энг асосий вазифаси эканлиги, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида "Қайноналар кенгаши" жамоатчилиги тузилмасининг ташкил этилиши ана шу эзгу мақсадларга қаратилгани билан ҳам эътиборга молик эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган "Қайноналар кенгаши" жамоатчилиги тузилмаси оилалар фаровонлигини таъминлаш, муаммоларини ўрганиш, айниқса, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, маънавий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ва шунинг баробарида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда баркамол авлодни вояга етказиш, юксак маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга, ибратли оилаларни, қайноналарни тарғиб этишга хизмат қилади. Эътиборга лойиқ томони шундаки, бундай самарали саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, фақат жорий йилнинг ўзида кенгашлар томонидан Тошкент шаҳрида 2000 га яқин оила, улардаги 3.631 нафар вояга етмаган болалар ота-онаси бағрида вояга етиши таъминланди. Болали оилалар яраттирилди.

Анжуманда "Қайноналар кенгаши" жамоатчилиги тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ажримганча олиб келаётган дабдабали тўй-ҳашамлар ва бошқа оилавий маросимлардаги исрофгарчилик ҳолатларининг олдини олиш, уларни ихчамлаштириш, қайнона ва келин ўртасидаги ижобий муносабатларни тарғиб



этишга доир фикр-мулоҳазалар билдирди.

Олмасор туманидаги "Шодиёна" маҳалласида истиқомат қилувчи Матлуба Тўхтамухаммедова маҳалладаги кўпни кўрган, доно ва оқила қайноналардан ҳисобланади. Матлуба опа тўрт нафар ўғилни олий маълумотли этиб тарбиялади. Ҳозирда улар турли соҳаларда меҳнат қилиб, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қаторидан ўрин олишган, 13 нафар невараларнинг сеvimли бувижониси.

— Келинларнинг оила деб аталувчи кўрғонга қадам қўйганидан сўнг ҳаётнинг паст-баландини енгилда маслаҳат бериш, хато ва камчиликларини барт-

матова. — Мен 12 йилдан бери қайнона, қайнонам билан аҳил-инокликда яшаб келмоқдаман, икки нафар фарзанднинг онасиман. Оиладаги муҳитнинг соғломлигида, биз тўрт овсининг опа-сингиллардек аҳил бўлишимизда оила боши: қайнонам ва қайнонамнинг ўринлари бекиёс. Бугунги тадбир ҳам шаҳримиздаги энг намунали қайнона ва келинларни тарғиб қилиш билан бирга, ўзбек оиласининг нечоғли қадри баланд эканлигини кўрсатиб берди. Ишонаманки, айрим ўжар қайноналар ўзларига тўғри хулосалар ҳам чиқариб олишади.

— Ушбу анжуманда маҳалладаги обрў-эътиборга лойиқ, оқила ва доно қайно-

наларнинг тажрибаси омма эътиборига ҳавола этилиб, қайнона ва келинлар муносабатларида ўзаро ҳамфикрлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни қарор топтириш, оиладаги муқаддас ришталарни янада кучайтириш масалалари асосий мақсад қилиб олинган, — дейди Учтепа туманида намунали қайнона макомига эга бўлган Барно Зиямұхамедова. — Қайноналарнинг оилавий қадриятларни қарор топтиришда ўз тажрибасига эғалиги, фарзандларини, набираларини қамол ва баркамол этиб тарбиялашдаги фазилатлари барчага ибрат вазифасини ўтайди, деган умиддамиз. Мен ҳам бугун қайнона сифатида ўзимга анча-мунча ижобий фазилатларни олдим.

Дарҳақиқат, оила жамиятнинг энг кичик, бироқ асосий бўғинидир. У қанчалар соғлом ва аҳил бўлса, жамият ҳам

шунчалик покиза бўлади. Оила ҳаёти қанчалар юксак ахлоқ, илму урфонга асосланган бўлса, жамият ҳаёти ҳам ана шундай соғлом бўлади. Айниқса оила тинчлигини, хотиржамлигини таъминловчи қайнона зиммасида катта масъулият бор. У оила аъзоларини ақл, фаросат, босиқлик, сабр-тоқат, зукколик билан, рўзгордаги борини баҳам қўришга йўналтиради, йўғига сабр қилишга ўргатади. Маънавий гўзалликка интилиб, ҳар бир фарзандга алоҳида меҳр-муруват кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам оилаларни янада бирлаштиришда, келажаги порлоқ ёшларимизни она Ватанга садоқатли, халқимизга муҳаббатли, меҳнатсевар, фидойий инсонлар этиб улғайтиришда қайноналарнинг ўрни, улар бераётган ўғит ва сабоқлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур анжуман ҳам оила мустаҳкамлигини янада барқарор тарзда таъминлашда, қайнона-келин муносабатидаги зиддиятларни бартараф этишда ва оилада соғлом муҳитга тўқис шароит яратиб беришга хизмат қилади.

Шаҳримизда ҳавас қилса арзийдиган намунали оилалар жуда ҳам кўп. Аммо қайноналик сабоғини ўргатадиган ёки келинлик вазифасини ибрат қилиб кўрсатадиган алоҳида бир даргоҳларимиз йўқ. Негаки қайноналикнинг ўзи ҳаётда улуг мартаба, келинлик эса олий даражадаги макомдир. Унга лойиқ бўлиш ҳар биримизга насиб этсин.

Анжуман доирасида мавзуга оид кўрсатмалар, қайнона-келин ўртасидаги муросасизлик, оилавий моjarолар ва уларни бартараф этиш йўллари акс эттирилган сахна кўринишлари намойиш этилди. "Машиқ машъали" ўқув маркази психологлари томонидан ташкил этилган "Қайнона" номли тест-тренинглар ҳам ййғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда фаол иштирок этган қайнона-келинларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ташаккурномаси ҳамда Сергели туманидаги имтиёзли уй-жойларга ариза берган энг намунали қайноналарга наватдан ташқари уй олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: анжумандан
лаҳзалар
Тимур Камилов олган суратлар

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — УМРБЎҚИЙЛИК КАЛИТИ



раф этиш, энг муҳими, оилада соғлом муҳитни асраш, ажримларнинг олдини олишда қайноналарнинг ўрни катта, — дейди М. Тўхтамухаммедова биз билан суҳбатда. — Оиладаги аҳилликни сақлаш, келин ва ўғиллар ўртасидаги аҳилликни таъминлашда қайнона кўприк вазифасини ўтамоғи лозим. Бугунги анжуманда тажрибали, кўпни кўрган онахонлар томонидан берилган қимматли маслаҳатлар албатта хонадонларнинг аҳиллигига, ҳамжиҳатлигига хизмат қилади.

— Оиланинг тинч-тотувлиги, хотир-жамлиги кўп жиҳатдан ёши улуг инсонларга, биринчи навбатда қайнона-қайноналаримизга боғлиқ, — дея суҳбатга қўшилди Яқкасарой туманидаги "Дамарик" маҳалласидан ташриф буюрган, намунали қайнона деб топилган Гулнора Уматованинг келини Шахноза Ум-

наларнинг тажрибаси омма эътиборига ҳавола этилиб, қайнона ва келинлар муносабатларида ўзаро ҳамфикрлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни қарор топтириш, оиладаги муқаддас ришталарни янада кучайтириш масалалари асосий мақсад қилиб олинган, — дейди Учтепа туманида намунали қайнона макомига эга бўлган Барно Зиямұхамедова. — Қайноналарнинг оилавий қадриятларни қарор топтиришда ўз тажрибасига эғалиги, фарзандларини, набираларини қамол ва баркамол этиб тарбиялашдаги фазилатлари барчага ибрат вазифасини ўтайди, деган умиддамиз. Мен ҳам бугун қайнона сифатида ўзимга анча-мунча ижобий фазилатларни олдим.

Дарҳақиқат, оила жамиятнинг энг кичик, бироқ асосий бўғинидир. У қанчалар соғлом ва аҳил бўлса, жамият ҳам

шунчалик покиза бўлади. Оила ҳаёти қанчалар юксак ахлоқ, илму урфонга асосланган бўлса, жамият ҳаёти ҳам ана шундай соғлом бўлади. Айниқса оила тинчлигини, хотиржамлигини таъминловчи қайнона зиммасида катта масъулият бор. У оила аъзоларини ақл, фаросат, босиқлик, сабр-тоқат, зукколик билан, рўзгордаги борини баҳам қўришга йўналтиради, йўғига сабр қилишга ўргатади. Маънавий гўзалликка интилиб, ҳар бир фарзандга алоҳида меҳр-муруват кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам оилаларни янада бирлаштиришда, келажаги порлоқ ёшларимизни она Ватанга садоқатли, халқимизга муҳаббатли, меҳнатсевар, фидойий инсонлар этиб улғайтиришда қайноналарнинг ўрни, улар бераётган ўғит ва сабоқлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур анжуман ҳам оила мустаҳкамлигини янада барқарор тарзда таъминлашда, қайнона-келин муносабатидаги зиддиятларни бартараф этишда ва оилада соғлом муҳитга тўқис шароит яратиб беришга хизмат қилади.

Шаҳримизда ҳавас қилса арзийдиган намунали оилалар жуда ҳам кўп. Аммо қайноналик сабоғини ўргатадиган ёки келинлик вазифасини ибрат қилиб кўрсатадиган алоҳида бир даргоҳларимиз йўқ. Негаки қайноналикнинг ўзи ҳаётда улуг мартаба, келинлик эса олий даражадаги макомдир. Унга лойиқ бўлиш ҳар биримизга насиб этсин.

Анжуман доирасида мавзуга оид кўрсатмалар, қайнона-келин ўртасидаги муросасизлик, оилавий моjarолар ва уларни бартараф этиш йўллари акс эттирилган сахна кўринишлари намойиш этилди. "Машиқ машъали" ўқув маркази психологлари томонидан ташкил этилган "Қайнона" номли тест-тренинглар ҳам ййғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда фаол иштирок этган қайнона-келинларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ташаккурномаси ҳамда Сергели туманидаги имтиёзли уй-жойларга ариза берган энг намунали қайноналарга наватдан ташқари уй олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.


Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Анжуман доирасида мавзуга оид кўрсатмалар, қайнона-келин ўртасидаги муросасизлик, оилавий моjarолар ва уларни бартараф этиш йўллари акс эттирилган сахна кўринишлари намойиш этилди. "Машиқ машъали" ўқув маркази психологлари томонидан ташкил этилган "Қайнона" номли тест-тренинглар ҳам ййғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда фаол иштирок этган қайнона-келинларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ташаккурномаси ҳамда Сергели туманидаги имтиёзли уй-жойларга ариза берган энг намунали қайноналарга наватдан ташқари уй олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ТЎРТЛИКЛАР

Чинни қўлдан тушса чил-чил синади,
Лойқа сув сокинда аста тинади.
Эҳтиёткор бўлмаса одам боласи,
Аввал синиб, тиниб, кейин унади.

Ҳар япроқ дарахтнинг ҳаққа
зикридир,
Кушларнинг чуғури тинчлик шукридир.
Тангри не яратмиш, гумондан холи,
Гумонга бормоклик инсон фикридир.

Ҳавас — бу қалбингда ботмас
куёшдир,
Ҳасад — бу қўлингдан тушмаган
тошдир.

Иймон суви билан сийратинг покла,
Қадрнинг куроли сабр, бардошдир.

Бу дунё бешиги кўлимиздадир,
У дунё эшиги йўлимиздадир.
Тебратиб, тебратиб кетиб борамиз,
Орзу-армонимиз дилимиздадир.

Қатра сув қарокдан ўзи оқмайди,
Ногаҳон дилингда чакмоқ чакмайди.
Савобсиз оқибат осмонда ҳам йўқ,
Тилаб, талпинмасанг Тангри
боқмайди.

Сен ором истасанг, дилингда кидир,
Хуш калом истасанг, тилингда кидир.
Эътибор, эҳтиром самодан тушмас,
Элпарвар бўлгин-да, элингда кидир.

Томирига туртса гўзаллик,
Сўз излайди битта ғазаллик.
Ажасизла сен бундан, бўтам,
Шоирларда эски касаллик.

Танбур садосида кўҳна андух бор,
Кўксингни кўклатган сирли бир рух
бор.
Чертса, уни Турғун Алимат, чертса,
Раҳмат ёмғирдан томган шуқуҳ бор.

Мен азобим роҳатини истайман,
Эзгулигим кафоратин истайман.
Яхшилигим сувга отгим йўқ, ахир,
Мен Холиқнинг бир раҳматин
истайман.

Кумушкон бунчалар хуш ҳаво маскан,
Соилари шарқирар, хуш наво
маскан.
Бу поклик шукрин қил, Тангри
неъматини,
Кумушкон — бир дардга минг даво
маскан.

Ҳар неки гўзалдир ҳумор боқамиз,
Билиб, билдирмаймиз, хуштор
боқамиз.
Биз-чи, шоир аҳли гўзаллик кўрсак,
Дилда сурон солган сойда оқамиз.

Дилим дер: — Пурвиқор тоғларга
қара,
Тилим дер: — Дилимдан сен асти
сўра:
— Хўш, тоғдан баланд не бўлар,
айт-чи?
Дилим дер: — тоғдан баланд тоғ
бўлар жўра!

Ҳайратлан, бироқ, ҳеч ҳаволанмагин,
Бахтдан балқисанг ҳам саболанмагин.
Ҳикматгўй хитобни хуш кўрмас,
Маҳмуд,
Бемақсад, бемаврид садоланмагин.

Баланд мартабага эришмоқ яхши,
Кейин тоққа қараб қеришмоқ яхши.
Вале мартабани тоғдек тутмоқ-чун,
Жон тикиб юмушга қиришмоқ
яхши.

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Россия неврологлари биринчи форуми иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган форум асаб касалликларини эрта аниқлаш, ташхис қўйиш ва уни даволаш усуллари, соҳада илгор технологиялардан фойдаланиш масалаларига бағишланган.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоев ва бошқалар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилаётганини, касалликлар профилактикаси ва даволашда дунёнинг илгор тиббий муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётгани ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон неврологлари асаб тизими билан боғлиқ барча турдаги хасталикларга тиббий ёрдам кўрсатаётди. Юқори малакали шифокорлар томонидан мураккаб операциялар ўтказилмоқда. Мазкур жараёнда янги технологияларнинг қўлланилаётгани даволаш самарадорлигини оширмоқда.

Хорижий илгор клиникалари билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилаётгани Ўзбекистонда неврология соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, юртимиз шифокорларининг хорижий ҳамкасблари билан доимий тажриба алмашиш орқали тиббиётдаги долзарб муаммолар ва уларни бартараф этишдаги замонавий ёндашувлардан хабардорлигини оширмоқда.

— Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган янгиланишлар, аҳоли саломатлигини

мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, хусусан, ёш кадрлар малакасини ошириш, касалликни аниқлаш ва ташхис қўйишда янги технологияларни жорий этиш борасидаги ташаббусларга гувоҳ бўлдик, — дейди Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети профессори Анатолий Федин. — Мазкур форум икки давлат ўртасида ўзаро тажриба алмашишнинг янада фаоллаштириш имконини бермоқда, тиббиётнинг ушбу соҳасини ривожлантириш ва шифокорларнинг замонавий даволаш усулларида хабардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон, Россия ҳамда Украина шифокорлари иштирокида тақдиротлар ўтказилиб, йиғирмадан ортиқ маърузалар тингланди.

Ўзбекистон — Россия неврологлари биринчи форуми Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида хорижий давлатлардан келган етакчи олимлар иштирокидаги маҳорат дарслари тарзида давом этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Россия ва Ўзбекистоннинг йирик тиббиёт марказлари ўртасида, жумладан, А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги миллий илмий-амалий маркази билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани маҳаллий шифокорлар учун мунтазам тажриба ал-

Ўзбекистон ва жаҳон

Собиқ мустабид тузум даврида барчамиз вақти келиб бизнинг мамлакатимиз ҳам жаҳондаги давлатлар билан тенг-тенг бўйлашишини орзу қилардик. Спортчиларимиз ҳам, санъаткорларимиз ҳам жаҳон майдонларини зафарли одимлар билан забт этишларини истардик. Кино ихлосмандларининг орзулари эса яна ҳам оддий эди: ойна жаҳонини Голливуднинг машҳур фильмлари қўйиб боришса.

ҲАМШАҲРИМИЗ – АҚШДАГИ НУФУЗЛИ КИНОФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБИ

Мустақиллик бизга барча шундай имкониятларни яратди. Спортчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақалардаги ғалабалари эвазига давлатимиз мадҳиясининг янграши оддий ҳол бўлиб қолди. Турли соҳалар бўйича олимларимиз, санъат ва маданият соҳаси вакиллари, айниқса ёшларимизнинг оламшумул муваффақиятлари ҳамюртларимиз қалбига фахрий титҳор туйғуларини бахш этмоқда.

Нихоят кинематография соҳасидаги ютуқларимиз ҳам аста-секин бўй кўрсатмоқда. Август ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги кино академиясида тахсил олаётган ҳамшаҳримиз Анваржон Мадраимовнинг 20 дақиқалик "Туғилган кун откриткаси" ("A Birthday Card") фильми Лос-Анжелесда ўтказилган қисқа метражли фильмларнинг "Hollyshorts Film Festival" аънавий фестивалида ғолиб сифатида "Best Yooth" номли ёш режиссёр суратга олган энг яхши фильм учун бош мукофотни қўлга киритди. Бу ёш режиссёримиз томонидан Мустақилликнинг 26 йиллигига муносиб совға бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилда ушбу фестивалда жаҳоннинг 65 та мамлакатдан 4 мингга яқин фильмлар иштирок этгани ҳам маъзур халқаро танловнинг нуфуздан далolat бериб турибди. Унда намойиш учун 400 та фильм танлаб олинди ва улар орасида юртдошимизнинг фильми ҳам бор эди.

— Кино санъати соҳасида фаолиятимни энди бошлаётганлигим сабабли бу менинг қўлга киритган дастлабки мукофотим, — дейди Анваржон. — Шунинг билан айта оламаники, биз нафақат кино санъатимизни юқори даражага кўтари оламиз, балки жаҳон майдонини ҳам ўз сўзимизни баралла айтишимиз учун барча имкониятлар етарли.

Биз Анваржон Мадраимовдан ўзининг ҳаёти ва кино соҳасидаги дастлабки қадамлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Ҳозирда 22 ёшдаман. Дастлаб жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги мактаб-гимназияда тахсил олдим, сўнг Тошкентдаги Турин политехника университети қошидаги академик лицейда ўқишни давом эттирдим. Нью-Йоркдаги кино академиясининг кинематография факультетида 2013-2017 йилларда соҳа сирларини ўргандим.

— Санъат соҳасига болалигингиздан бошлаб қизиққанмисиз?

— Ҳақиқатдан ҳам шундай. Санъат менинг ёшлигимдан жону дилим эди. Эсимни таниган чоғларимдан сурат чизишга қизиқардим. Сўнг бир вақтнинг ўзига Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги мусиқа мактабидида фортепиано синфида ўқидим ва расм тўғрисида ҳам қатнашдим. Расмларимда муаллиф асарлари орқали қандай гоёни илгари суришга ҳаракат қилишни тушунишлари учун ўз фикр-мулоҳазаларини кўрсатишни хоҳлардим. Шунингдек, кино санъатининг муҳлиси эдим: кўплаб фильмларни кўргандим ва доимо режиссёرنинг муҳлиси қандай фикр ва гоёларни етказишни истаганини тушунишга интилардим. Уш пайтларда уйимизда плёнка орқали суратга оладиган кинокамера мавжуд бўлиб, оилавий саёхатларимизни тасвирга туширишни яхши кўрардим. Шу тариқа менда кейинчалик режиссёрлик соҳасини пухта эгаллаб, ўз фильмларини суратга олиш нияти пайдо бўлди. Яъни, ёшликдаги ушбу қизиқишларим кейинчалик мени кинематографияга, режиссёрлик сари етаклади. Зеро, ўз гоёларимни тўлиқ ифода этиш учун сурат чизишдан кўра фильмлар яратиш энг тўғри йўл эканлигини англадим ва ота-онамдан мени Америкага юборишларини сўрадим ва уларнинг розилигини олдим. Чунки, чўқур ўрганишларим натижасида Нью-Йоркдаги кино академиясида пухта ва зарур билимлар олишим мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим. Мақсадим жаҳон та-

лаблари даражасига жавоб берадиган фильмлар яратиш сирларини ўрганиб, мамлакатимизда соҳа ривожига имкон қадар ҳисса қўшишдир.

— Ҳозирда қандай лойиҳалар устида ишлаяпсиз ва келгусига мўлжаллаган режаларингиз қандай?

— Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мен режиссёрлик қилган охириги лойиҳалар, бу "A Birthday Card" ва "Inside of Me" клипи бўлди. Шунингдек, ҳозирда продюсер сифатида ҳам фаолият кўрсатаёман. Мисрнинг таниқли "Cairokee Layla" гуруҳи учун клип устида ишляяман. Бир неча ойдан кейин ушбу клип экран юзини кўради. Келаси йилда менинг иштирокидаги "Stan Tnek: What we felt Bening" ҳужжатли фильмининг муҳлислар эътиборига ҳавола этилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзим хорижда бўлсам-да, мамлакатимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар, хусусан, кино соҳасидаги жараёнларни доимо кузатиб бораман. Мустақил юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ошиб бораётгани дилимга олам-олам қувонч бахш этапти. Юртимизда жиддий ҳаётий, сермулоҳаза, фалсафий ва ватанпарварлик руҳидаги фильмларнинг аста-секин кўпайиб бораётгани эътиборга лойиқдир. Президентимизнинг шу йил 7 августдаги "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини ўқиб янада шодландим.

Ниятим шуки, она юртимга қайтган, яратажак фильмларимда соҳибқирон Амир Темур, табобат султони Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби буюк ўтмишдошларимиз, Широк, Тумарис каби жасур ватандошларимиз сиймолари, миллий кадриятларимиз, асрлар оша сайқалланиб келган аjoyиб урф-одатларимизни ақс эттиришга ҳаракат қиламан.

Дилшод ИСРОИЛОВ



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Пойтахтимиздаги Амир Темур ҳайкали ёнида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторлари ўзларига ишониб топширилган ҳудудда фуқаролар тинчлиги ва оsoйишталигини таъминлаш, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашга тантанали қасамёд қилди. Тадбирда профилактика инспекторларига хизмат уйлари ва имтиёзли кредит асосида харид қилинган янги автомашиналар қалитлари тантанали топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жай билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, профилактика инспекторларига хизмат уйлари берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ички ишлар органларини ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш муҳим вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Иўлдошев ва бошқалар жорий йилнинг ўтган 8 ойида мамлакатимизда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 мингга камайгани, 1,5 минг маҳаллада эса ҳуқуқбузарлик умуман содир этилмаганини қайд этди. Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган, ўтган даврда давлатимиз раҳбари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга оид ўнга яқин ҳужжат имзолангани бу борада муҳим омили бўлмоқда.

— Ўғлимизнинг Амир Темур ҳайкали ёнида тантанали қасамёд қабул қилиши қалбимизни гурурифтхорга тўлдирди, — дейди Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бўлимининг таянч пунктларидан бирининг профилактика инспектори, капитан Отабек Умарбековнинг отаси Абдураҳим Умарбеков. — Фарзандимиз Ички ишлар вазирилик академиясига ўқишга кириб, қасамёд қабул қилганида биринчи марта шундай ҳаяжонни туйган эдик. Отабек қасамёдига албатта содиқ қолади. Ўзи хизмат қилаётган ҳудудда хизмат уйи берилганидан сўнг у маҳаллага, халққа янада яқин бўлди.

"Нуроний" жамғармасининг Шайхонтоҳур тумани Олмасор маҳалласидаги бўлинимасига раҳбарлик қилаётган Тўлқин ота Шарипов ҳам маҳалла профилактика инспекторини табриклагани келган.

— Лейтенант Дониёр Шарофуддинов маҳалла аҳлининг обрўсини қозонишга ҳаракат қилади, одамларнинг муносабатларини эътиборсиз қолдирмайди, — дейди у. — Ўз навбатида, биз, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари профилактика тадбирларини ўтказишда унга яқиндан кўмак бермокдамиз. Зеро, мақсадимиз ҳам, вазирамиз ҳам бир — аҳоли тинчлиги ва оsoйишталигини таъминлаш.

Янгибод тумани ички ишлар бошқармаси таянч пунктларидан бирида хизмат қилаётган профилактика инспектори, капитан Актамжон Норкулов касбдошлари номидан халқимиз оsoйишталигини ишончли таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишни таъкидлади.

Мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимини ислох қилиш борасидаги кенг кўламли ишлар айнан профилактика инспекторларидан бошланганда чуқур раъзий маъно бор. Зеро, жиноятни тергов қилгандан кўра, унинг олдини олган афзал.

Шу маънода, аввало, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат туйғусини юксалтириш, қонунбузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кўнчмасини шакллантириш орқали ҳуқуқбузарликлар олди олинишни таъминлаш профилактика инспекторининг бош вазифасидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари О.Муродов, Қ.Қуронбоев, Бош вазиr ўринбосари, Республика Хотинқизлар қўмитаси раиси Н.Норбоева иштирок этди.

Аблай КАМОЛОВ,

ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган барча (тадбиркорлик) ҳўжалик юритувчи субъектлари диққатига!

"ТОШАВТОТАЪМИРХИЗМАТ" унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-3237-сонли Қарорига мувофиқ товарлар (жомаше, хизматларни), давлат ва корпоратив харидлари, хусусан автошиналар, мойлаш маҳсулотлари, эҳтиёт

қисмлар хариди бўйича комиссия тузилганлигини ва маъзур комиссияга тижорат тақлифлари билан мурожаат этилиши мумкинлигини маълум қилади.
Тел: 221-78-54, 221-80-45.
Toshavtota.mir@mail.ru

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "ВОСТОК" ИИЧБ ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 128-уй манзилида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари такрон қўйилмоқда. 1. "ГАЗ-2410" русумли, давлат рақами 01/324ММ бўлган 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси — 2 645 000 сўм. 2. ГАЗ-5204 русумли, давлат рақами 01/340ММ бўлган 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси — 5 212 000 сўм. 3. ЗИЛ КС 2561 русумли, давлат рақами 01/336ММ бўлган 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси — 42 151 000 сўм. 4. КАВЗ-3271 русумли, давлат рақами 01/341ММ бўлган 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси — 4 142 000 сўм.

5. КАМА353212 русумли, давлат рақами 01/233ММ бўлган 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошлангич баҳоси — 29 783 000 сўм. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олдинсоти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори 10 фоиз.

Аукцион савдоси 2017 йил 29 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2017 йил 27 сентябрь куни соат 18:00.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талаб-

горлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилот-чиси билан тузиладиган закалат келишувда белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850 x/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширунча қадар тўлашлари шарт. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

"REAL ALFA TRANS" МЧЖга (ИНН303185574)га тегишли бўлган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сергели туманидаги 237-мактаб томонидан 1991 йилда Малянова Сайёра Саидқаримовна номига берилган АҚ №520012 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели 1-маъзеси, 4-уй, 29-хонадон эгаси Абдурасулова Нигора Абдумавлоновна билан тузилган, Махмудов Акмалжон Мадаминжон ўғли хонадонини ижарага бериш ҳақида реестр рақами 2365, 1504-сон билан қайд қилинган 20.04.2017 йилда тузилган ижара шартномасининг бир нусхаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан берилган Адизов Сайдулла Кандимовичга тегишли бўлган Юнусобод тумани собиқ (Тимирязов) 3-хонадон Бодомзор йўли кўчаси, 3-уй, 4-қаватда бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси маҳаллий тадбиркорларнинг қўйидагилар бўйича энг яхши тақлифлари таълимини ўтказди:

— ходимларнинг формали кийим-кечагини етказиб бериш (қишки шапка, кундалик фуражка, кундалик шляпа, қишки кепка, қишки пальто, иссиқ куртка, китель, енгил куртка, шим, ип-газлама жемпер, шарф, қишки ботинка, галстук учун қисқич, камар, ечиладиган камар, хотин-қизлар туфлиси, қишки аёллар этиги, шеврон);

— телефон аппаратлари;

— шунингдек, стуллар.

Юқорида қайд этилган харид қилинадиган товарлар бўйича батафсил маълумотлар (техник талаблар, етказиб бериш мuddати ва ҳажми) юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳри, Халқобод 3-тор кўчаси, 2-А уй (тел: 237-61-80, 237-61-83).

Таклифлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун давомиди қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ўқув даволаш комплекси тиббиёт коллежининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Ўқув даволаш комплекси тиббиёт коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Кўча дарвоза 1-берк кўчаси, 10-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажы 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлган амалий иш стажы талаб этилади. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажы талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Суровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3x4 ўлчамли 6 донa фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2009 йилда Эргашев Ойбек Очилди ўғли номига берилган К№1423922-сонли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 935

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4741 нусхада босилди.

Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚМОВ

Топшириш вақти: 13.00